

Замонавий инфокоммуникация **ХИЗМАТЛАРИ** Улар юқори иқтисодий самара келтиради



Иқтисодиётнинг ривожланиши кўп жиҳатдан инновация ва ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этиб борилиши билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда АҚТни ривожлантириш ва уни давлат бошқаруви, бизнес, таълим ва иқтисодиётнинг турли соҳаларига жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, АҚТни билим ва ахборот олиш жараёнларининг энг муҳим омилларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. У нафақат ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, балки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига, янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини яратишга ва рақобатнинг ошишига замин яратади.

5-бет

Алоқа оламида

Мадрид университети тадқиқотчилари олий ўқув юрти ўқитувчилари учун "ақли" кўзойнак ишлаб чиқишди.

Қурилма талабаларни ахборот базасига юкланган анкеталарига қараб аниқлаш имконини беради. Махсус экранда эса маъруза ва формулалар матни чиқади, бу ўқитувчига дарс ўтиш жараёнида тез-тез қорозга қарашига ҳожат қолдирмайди.

Кўзойнак бошқа функцияларни ҳам бажара олади. Дарс мобайнида талабалар маърузанинг қанчалик тушунарли бўлаётганини мобил телефонлари орқали белгилаб боради. Маълумот дархол компютер тизими-га бориб тушади ва ўша талабани кизиктирган саволлар ўқитувчи кўз ўнгига пайдо бўлади. "Ақли" кўзойнак дарсни бўлмасдан талабалар тушунмаган жиҳатларга ойдинлик киритиб кетиш, талабаларнинг фаоллиги ёки жавобларига дархол баҳо қўйиб бориш, давоматни белгилаш каби бир қатор қулайликлар беради.

Сўнги янгилик!

Ушбу сонда:

- **Оқ йўл, сизга магистрлар!** 2
- **Замон билан ҳамнафас** 3
- **Дунёдаги энг юпқа смартфон** 4
- **Скоро открытие единого портала...** 6
- **Келажагимиз гунчалари** 12
- **Ёшлар терма жамоаси Туркияга жўнаб кетди** 15

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти битирувчиларига дипломлар топширилди. Бу ерда ташкил этилган ихтисослаштирилган компютерда моделлаштириш ва симуляция маркази, ўқ отиш бўйича компютерлаштирилган тренажёрлар, электрон ўқитиш воситалари, мултимедиа лабораториялари, ахборот-коммуникация технологиялари ёшларни ўқитиш сифати ҳамда самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Наманган вилоятида "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан "Биз — буюк юрт фарзандларимиз!" широи остида ёшлар фестивали ўтказилди. Фестивал доирасида шаҳар ва туманларда ўтказилган "Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти", "Сиз севган қахрамонлар", "Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз", "Депутат ва ёшлар" сингари лойиҳаларда депутат ва сенаторлар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, актёр ва хонандалар, спорт усталари ёшлар билан мулоқотда бўлишди.

Термиз шаҳрида "Оилавий тадбиркорлик — жамият тараққиёти омили" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. "Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми", Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси марказий банки, "Ўзбекистон ипаги" уюшмаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган маъмур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, қасаначилар, оилавий тадбиркорлар ва ҳунармандлар иштирок этди.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамда халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида Южоричирчиқ туманидаги Мурувват уйида Корея Республикаси шифокорлари — кардиолог, ортопед, офталмолог, жарроҳ ва фармацевтлар ўзбекистонлик ҳамкасблари билан биргаликда замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида Тошкент шаҳри ва вилоятида истиқомат қилувчи даволанишга муҳтож аҳоли, кўп болали оилалар фарзандлари, имконияти чекланган беморларни бепул тиббий кўриқдан ўтказди. Шундай кўриқ Навоий вилоятида ҳам ўтказилди.

Германиянинг Бремен шаҳрида Халқаро маданиятлар фестивали ўтказилди. Маъмур тадбирда мамлакатимизнинг Германиядаги дипломатия миссияси ва Бремендаги Германия — Ўзбекистон дўстлик жамияти томонидан миллий услубдаги Ўзбекистон бўлмади ташкил этилди. Ушбу бўлмадан жой олган халқимиз амалий саъяти намуналари, юртимизнинг бой тарихий ва маданий мероси, замонавий тараққиёти ҳамда улкан сайёҳлик салоҳиятига доир маълумотлар халқаро анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.



Оқ йўл, сизга магистрлар!

Тошкент ахборот технологиялари университетиди ҳар йили магистрларга диплом топшириш маросими танта-нали равишда ўтказилади.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Махмудов, "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосари Н.Хасанов, ОАТ "Алоқабанк" бошқаруви раиси биринчи ўринбосари М.Абдурахмонов, "АЛСКОМ" суғурта компанияси бош директори Т.Иминов, "UNICON.UZ" давлат унитар корхонаси бош директори вазифини вақтинча бажарувчи Х.Хасановлар сўзга чиқиб, магистрларни табриқладилар ва диссертациялар ўртасида ўтказилган турли номинациялар бўйича голибларни тақдирладилар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан, ТАТУда 1999-2000 ўқув

йилидан бошлаб магистратура бўлими очилган. Ўтган ўн бир йил ичида университетда 1628 нафар малакали кадрлар тайёрланиб, магистр даражасига эга бўлди. Бу йил 15та мутахассислик бўйича 202 нафар магистр диссертацияларини муваффақиятли химоя қилди.

Университетда магистрларнинг билим олишлари ва илмий фаолият олиб боришлари учун ҳамма имкониятлар яратилган. Бугунги кунда катта фондага эга бўлган ахборот-ресурс маркази, виртуал лаборатория ишлари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона магистрлар хизматида. Бундан ташқари, интернет тизимидан кенг фойдаланиш ҳам йўлга қўйилган. Университет магистрлари хорижий мамлакат-

ларнинг олий ўқув юртларида ҳам малакаларини ошириб келмоқдалар.

Бу йилги битирувчиларнинг магистрлик диссертацияларини юқори даражада тайёрланганлиги Давлат аттестация комиссияси томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди. Айниқса, 20дан ортиқ магистрлик диссертацияларнинг чет тилларда химоя қилинганлиги эътиборга сазовордир.

Келажакда янада юқори малакали магистрлар тайёрлаш мақсадида хорижий мамлакатлар жумладан, Хиндистон, Малайзия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар университетлари профессорларини тақлиф этиш режалаштирилган. Битирувчи магистрлар келгусида республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ривож учун ўз улушларини қўшадилар, деб умид билдирамыз.

Эъзога КАРИМОВА,
ТАТУ МАТБ бошлиғи

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖни янада ривожлантириш, унга АКТни кенг жорий этиш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ОАВ вакиллари томонидан берилган саволларга соҳа мутахассислари батафсил жавоб беришди.

— Кейинги йилларда соҳани модернизациялаш ва янги технологияларни жорий этиш ёрдамида иш унумдорлиги ва самараси янада ортди, — деди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директорининг биринчи ўринбосари Хатират Тожибаева. — Тизимда корпоратив компютер тармоғи орқали "Электрон пул ўтказмалари", "Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати", "Обуна", "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш", "Тўловларни қабул қилиш" каби автоматлаштирилган тизимлар ёрдамида аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. "Электрон пул ўтказмалари" тизими 2005 йилда Бутунжаҳон почта иттифоқининг IFS молиявий тизимида 14та объектнинг боғлаш воситасида ишга туширилган эди. Айни дамда ушбу тизимда 1069та почта алоқаси объекти фаолият кўрсатмоқда. Тизим орқали Украина, Россия, Қозғоғистон, Беларус ва Молдова давлат-

Почта ва АКТ

лари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ аъъанавий хизматлар кўрсатиш билан бирга ахборот-коммуникация технологиялари негизиди янги хизмат турларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, жамиятда корпоратив компютер тармоғи ташкил этилган. Унга 1272та почта алоқаси объекти боғланган, шулардан 1085таси почта алоқаси бўлиmdir. Ҳозирги кунда жамиятда 3450та компютер ва сервер, 1931та принтер ва бошқа энг қулай замонавий техника воситалари ишлатилмоқда.

Соҳада ташкил этилган ноъъанавий "Гибрид пул ўтказмалари" тизими ўзининг аниқлиги ва қулайлиги билан мижозларнинг ишончини оқламоқда. 2013 йилнинг биринчи чорагида ушбу хизмат воситасида 18 миллиард сўмлик электрон пул ўтказмалари амалга оширилди ва 1 074,1 миллион сўм даромад олинди.

Фаолиятга жорий этилган "Пенсия тўловлари ҳисоб-китоби ва назорати" автоматлаштирилган тизими ҳам катта самара бермоқда. Бугунги кунда ушбу тизимга 683та почта алоқаси объекти боғланган ва қолган алоқа бўлимларини

боғлаш бўйича амалий ишлар давом этмоқда. Маъмур дастурни жорий этиш натижасида пенсия ва нафақа тўловлари бўйича битта сумманинг икки марта ошириб тўланиши олди олинди ҳамда ортиқча сарф-харажатларни камайтиришга ёрдам беради.

Соҳада "Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларини назорат қилиш тизими"нинг амалга қиритилиши натижасида эса почтани қайта ишлаш технологик жараёнини штрих-кодлар ишлатган ҳолда автоматлаштириш ва почта жўнатмаларини интернет орқали кузатиш имкони яратилди.

"Ўзбекэнерго" ДАКнинг "Тўловларни қабул қилиш" тизимида онлайн тартиби асосида маълумотлар алмашиш йўлга қўйилган. Шу мақсадда автоматлаштирилган биллинг тизимига босқичма-босқич почта алоқаси бўлимларини боғлаш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Жамиятнинг ҳудудий филиалларида "Алоқабанк" ва бошқа банклар билан ҳамкорликда 1265та пластик карточка орқали пул тўловларини қабул қилиш терминаллари ўрнатилган ва аҳолига қулай тарзда хизмат кўрсатилмоқда.

Анжуманда кейинги йилларда соҳани такомиллаштириш мақсадида жорий этилган ислохотлар ўз самарасини бераётганлиги алоҳида эътироф этилди.

Ўз мухбиримиз

Кеча мамлакатимиз ОўЮда қабул комиссиялари абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилишни бошлади.

Қадр-қилимати, таянчи ва ифтихори мисан, мустақил Ўзбекистон!



Илгор технологияларнинг янгидан-янги авлоди дунё аҳолиси учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда. Соҳага кириб келаётган янги технологиялар хизматидан бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда ҳам унумли фойдаланилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш ишларига давлат аҳамиятига молик долзарб вазифа сифатида қаралиши сабаби ҳам шунда. Шуларни инобатга олган ҳолда юртимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш ва шу асосда ахборотлашган жамият сари жадал интилиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Энг асосийси, ахборот-коммуникация технологиялари ҳозир нафақат идораларда ва бошқарув девонларида ишламоқда, балки улар оддий фуқароларнинг уйларига ҳам кириб борди. Биргина вилоятимизда ҳам бу борада эътиборга молик ишлар кўзга ташланади.



Бугун мамлакатимизнинг барча жойлари сингари қашқадарёлик алоқачилар ҳам республикамиз мустақиллигининг 22 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида самарали меҳнат қилмоқда. Замонавий тезкор технологиялар оғиримизни енгил, мушкулларимизни осон қилпти. Қисқа вақт ичида дунёнинг исталган нуқтасидан истганча маълумот олиш имконияти яратилди. Тезкор ахборот алмашуви йўлга қўйилган. Бу борада ҳеч қандай тўсиқ ёки муаммо йўқ. Бу жараён мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларида изчил амалга оширилаётганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Вилоятда NGN технологиясини қўллаш бўйича Шахрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Чирокчи туманларида қайта реконструкция ишлари амалга оширилиб, фойдаланиб келинаётган "Алкател" станцияларининг замон талабига жавоб бераётганлиги эътиборга олинди, Хитойнинг ZTE компанияси MSAN русумидаги ускуналари шу туманларнинг 23та масканда ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрдаги 1668-қарорига асосан "Ўзбектелеком" АКнинг маҳаллий телекоммуникация тармоқларини NGN технологияси асосида модернизация

қилиш ва ривожлантириш" лойиҳаси доирасида "Алкател" станцияси абонентлари MSAN станцияларига кўчирилиши фойдаланувчиларга бир қатор қулайликлар яратди.

Мазкур лойиҳа бўйича 23та масканда хоналар хозирланиб, қўшимча қурилиши лозим бўлган телефон қудуқлари тайёрланди ва оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. MSAN русумидаги ускуналарнинг жаҳон талабларига мос келиши, ускунанинг ўзида DSLAM, ADSL портлари қурилмаси мавжудлиги, ускунанинг ихчам, катта жойини эгалламаслиги билан ажралиб туради.

Вилоятда оптик толали алоқа линиясига ўтиш жадал олиб борилар экан, техник ва технологик жиҳатдан олиб қаралса, мис толали кабелларга қўра оптик толали кабелларнинг афзалликларини ниҳоятда катта. Оптик толали кабеллар мис толали кабелларга нисбатан бир неча баробар енгил ҳам. Бунинг бир таласидан жуда кўп телефон каналларини ҳосил қилиш мумкин. Энг асосийси, сигналлар охириги нуқтагача бир зумда аниқ ва тиник етиб боради.

Қишлоқлардаги АТСларнинг аксарияти муқобил турда бўлиб, сифати паст эди. Буларнинг фаолиятини яхшилаш ҳамда қишлоқ жойларда яшаётган аҳолига кўрсатилган

ётган алоқа хизматлари сифати ва ҳажмини ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кичик сигимли коммутация қурилмаларини босқичма-босқич ўрнатилишлари жадал олиб борилмоқда. Қишлоқ жойларига сигими 112, 160, 208, 320 рақамдан иборат "Эл-СГМ" рақамли коммутация қурилмалари кириб борди.

ЭАТСларда кенг полосали хизматлардан фойдаланувчи ADSL модемларига уланган абонентлар сонини ошириш бўйича режа ишлаб чиқилган бўлиб, вилоятнинг барча туман телекоммуникациялар боғламаларида ўрнатилган DSLAM ускуналарининг монтаж сигими ортишига эришилди. Таҳлилларга эътибор қаратсак, вилоятнинг Шахрисабз туманида 11та, Қамаш, Яккабоғ, Чирокчи ва Китоб туманларида учтадан MSAN русумидаги ускуналар ўрнатилди. Монтаж ишлари якунланиб, тест синовлари ўтказилди. Натижда монтаж сигими ошиб, интерактив хизматларни кўрсатиш ҳажми ортади. Бу 21360 монтаж сигими ўрнига 23552 сигим ҳосил бўлади ёки 2192 рақамга сигимлар ортади, деганидир.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё
вилоятидаги мухбири

ШОНЛИ ЙУЛ

2000 йил

13 апрел. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислам Каримов "Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

28 июн. Президент Ислам Каримов "Телекоммуникациялар соҳасидаги бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

2001 йил

5 апрел. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ГФРга расмий сафари чоғида "Сименс" гуруҳининг "Инфенион техноложиз" тармоқ компаниясига қарашли корхонаси фаолияти билан танишди. Бу ерда юқори технологияга асосланган электрон жиҳозлар, асосан компьютер, принтер ва шу каби ускуналар учун чип ва микрочиплар ишлаб чиқарилади. Президентимиз компания раҳбарлари билан мулоқот чоғида Ўзбекистонда ҳам шундай корхоналар қуриш учун етарли шароит ва мутахассислар борлигини айтиб, уларни бу имкониятдан фойдаланишга ундади.

23 май. Вазирлар Маҳкамасининг Раиси Ислам Каримов "2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, "Интернет"нинг халқаро ахборот тизимларига кенг кириб боришини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга имзо чекди.

19 июн. Президент Ислам Каримов таълим, маданият ва иқтисодийтни ривожлантириш ҳамда жамият тараққиёти йўлидаги буюк хизматлари учун АҚШдаги обрўли таълим муассасаларидан бири — Мэриленд университетининг фахрий ёрлиғи ва нишони билан тақдирланди.

Мэриленд университети нафақат АҚШ, балки дунёдаги нуфузли таълим муассасалари қаторида туради. Хусусан, университет ахборот технологиялари, интернет ва коммутатив тадқиқотлари билан машҳур. Университетнинг бир йиллик бюджети салкам бир миллиард долларга тенг.

3 сентябр. Президент Ислам Каримов Оқсарой қароргоҳида Германиянинг "Сименс АГ" концерни бошқарув раиси Хайнрих Пирер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан "Сименс АГ" ўртасида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов фаолияти хроникаси" китобидан

Электрон қабулхона

Давлат солиқ қўмитаси фуқароларни қабул қилишда уларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида қабулга онлайн тартибда ёзилиш (электрон қабулхона) янги интерактив хизматини ишга туширди.

Қабулга ёзилиш учун фуқаролар Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб сайтыда <http://soliq.uz/uz/feedback/reception/> манзили орқали "Электрон қабулхона" тизимига кириб, фуқароларни қабул қилиш жадвалида келтирилган қабулда кирмоқчи бўлган мансабдор шахсни танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Мансабдор шахс танлангандан сўнг, хизматдан фойдаланувчи ўзига тегишли маълумотлар, яъни телефон рақами, электрон почта манзили, яшаш манзили, мурожаатнинг қисқача мазмуни ёки мақсадини қайд этиши лозим.

Давлат солиқ хизмати органларида фуқароларни қабул қилиш Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтыда жойлаштирилган фуқароларни қабул қилиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Онлайн тартибда қабулга ёзилган фуқаролар учун махсус "Фуқаролар мурожаатларини қайд этиш карточкаси" автоматик тарада шакллантирилади. Қабулга онлайн тартибда ёзилган фуқаро белгиланган муддатда қабулга келиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатни ва ушбу карточкани тақдим этган ҳолда карточкада белгиланган вақтда навбатсиз қабулга киритилади.

Мазкур хизмат синов тартибда Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ва туман Давлат солиқ инспекцияларида ишга туширилди.

Xalqaro haqot

ЧЕХИЯ бош вазири истеъфога чиқмоқчи ва шу тариқа бошқарувдаги Фуқаровий демократик партияси раислиги лавозимини ҳам тарк этмоқчи. Бу ҳақда Петр Нечас бошқарув партияси раҳбариятининг мажлисидан сўнг маълум қилган. Шунингдек, у янги маҳкама номзодлиги ҳақидаги масала Чехия президенти Милош Зеeman билан муҳокама қилинишини билдирди. Унинг бош вазирлигини тарк этишга чорланба куни ҳисба олинган котибиат раҳбари Яна Нагнова ва яна бир неча сиёсатчилар атрофидаги можаролар мажбур қилган.

ГРУЗИЯ пойтахти Тбилисда Украина элчихонаси учун янги мажмуа очилди. Мажмуанинг очилиш маросимида ҳар икки мамлакат ташқи ишлар вазирлари иштирок этди. Мамлакатга расмий ташриф билан келган Украина ташқи ишлар вазири Леонид Кожар давлат ва ҳукумат раҳбарлари билан ҳам учрашган.

АҚШ бир неча кун ичида Толибон билан тўғридан-тўғри музокараларни очиб беради. Ўзини Қатарда бўлиб ўтади. Афғон исёнкорлари узок вақтдан бери Қатар пойтахти Доҳада ўз расмий идоралари очилишини кутишадиган эди. Аввалроқ, Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай юқори мартабали ҳайъат Толибон билан музокаралар учун жўнатилиши ҳақида эълон қилган.

"Бизнинг Афғонистон Тинчлик кенгаши ва Толибон ўртасидаги музокаралар учун шартларимиз йўқ. Аммо, музокаралар асосини келишиб олганми. Асосий гап шуки, Қатарда бошланадиган музокаралар зудлик билан Афғонистонга кўчирилиши шарт. Иккинчидан, мажкур мулоқот Афғонистондаги беқарорликларга барҳам бериши керак. Учунчидан, музокаралар ҳеч бир учинчи давлат томонидан ўзи ёки унинг Афғонистондаги манфаатлари учун фойдаланилмаслиги керак", деб айтган жаноб Карзай. Афғонистон ҳукумати Толибон билан музокаралар йўлидаги саъй-ҳаракатларни муайян вақтдан бери олиб бораётгани. Аммо, бунинг учун у толиблар эъравонликлардан воз кечиши ва мамлакат бош қонунини тан олиши лозимлигини айтган.

BOEING томонидан дунёдаги энг узун Dreamlinerni тақдим қилинди. Европа ва Шимолий американинг беш компанияси ушбу самолётга кизиқиш билдирди ва 102та самолётга буюртма беришди. Буюртмачилар орасида Air Lease Corporation 30та, GE Capital Aviation Services 10та, International Airlines Group / British Airways 12та, Singapore Airlines 30та ва United Airlines 20та самолёт сотиб олмоқчи. Ушбу самолётларнинг биринчиси 2018 йилда етказиб берилиши режалаштирилмоқда.

АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари етакчилари "Катта саккизлик" саммитида трансатлантика бўйлаб эркин савдо қилиш ҳуқуқини барпо этиш бўйича музокараларни бошлашди. Лекин ЕИда бу масалада бирдамлик йўқ. Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррози қийинчиликларни бартараф этиш мумкинлигига ишончи қомил. У Франциянинг маданий хилма-хиллигини сақлаб қолиш яхши эканлиги, лекин бу иш Европани фалаж қиладиган даражада бўлмаслиги лозимлигини қайд этган. Ўз навбатида, Франция, ЕИ ва АҚШ ўртасидаги савдо тўсиқларининг олиб ташланиши Франция киносанояти ва интернет тармоғини Голливуд томонидан кучли рақобат олдида қолдириши мумкинлигини билдирган.

Дунёдаги энг юпқа смартфон

Huawei компанияси Ascend P6 смартфонини тақдим этди. Аппаратнинг қалинлиги 6,18 миллиметрни ташкил қилади ва у дунёдаги энг юпқа смартфонга айланди.

Бунгача рекорд шу йилнинг январда тақдимоти ўтказилган Alcatel One Touch Idol Ultra тегишли эди. Унинг қалинлиги 6,45 миллиметрни ташкил этади.

Таққослаш учун: iPhone 5 қалинлиги — 7,6 миллиметр, Galaxy S4 — 7,9 миллиметр, HTC One — 9,3 миллиметр. Ascend P6 смартфонининг оғир-

лиги 120 грамм. У 4,7 дюймлик экран (1280 га 720 нуқта), тўрт ядроли процессор ва икки гигабайтлик тезкор хотирага эга.

Ascend P6 смартфонини Европа бозорларида июль ойида сотувга чиқиши кутиляпти ва унинг баҳоси 449 евро этиб белгиланган.

Маълумот учун: Хитойнинг Huawei компанияси шу йилнинг январ-март ойларида жаҳон бозорига 9,9 миллион смартфон чиқарди ва бу кўрсаткич бўйича фақат Samsung, Apple ва LGдан ортда қолди.



Москвалик хакер икки миллион ўғирлади

Хавфсизлик хизмати ходимлари электрон тўлов тизимларидаги ҳамёнлардан икки миллион рубль ўғирлаганликда айбланаётган хакерни қўлга олишди. Ҳозирча айнан қайси тизимдан пуллар ўғирлангани маълум қилинмапти. Бироқ бу тизим "Яндекс.Деньги" экани тахмин қилинмоқда.

Маълум қилинишича, 19 ёшли айбланувчи интернет-форумларнинг биринди электрон ҳамёнлардаги паролларни қўлга киритишга кўмаклашувчи дастурни кўчириб олган. Унинг ёрдамида ўзгаларнинг аккаунтларига кириб, пулларни ўзининг электрон ҳисоблари ва банк карточкаларига кўчириб олган.

Хакер ҳаёт мактабини ҳам тутатмаган, аммо у компютер технологияларидан яхши хабардор. Полициянинг хабар қилишича, у аввал ҳам DDoS-ҳужумлар уюштирганликда айбланган.

"Яндекс"дан энди мобил браузер

"Яндекс" компанияси ўзининг биринчи мобил браузерини тақдим этди. Ушбу браузер ҳозирча фақат iPad ва Android базасидаги смартфонларга мўъжалланган.

Янги браузерга Turbo (Норвегиянинг Opera Software технологияси асосида ишлайди) уланган бўлиб, у веб-саҳифаларнинг тез очилишига кўмаклашади. "Яндекс" серверидаги саҳифалар контенти сиклади (75 фоизгача) ва фойдаланувчига узатилади. Turbo юқлининг тезлиги 128 Кбит / с дан ошмаган ҳолатда автоматик равишда уланади.



Лос-Анжелес мактабларида фақат iPadда ўқитилади

Лос-Анжелес ҳукумати мактабларда таълим фақат планшет компютерлар асосида ташкил этилиши тўғрисида қарор чиқарди. Энди ўқувчилар мактабга китоб ва бошқа ўқув қуроллари кўтариб боришмайди.

Ўқув муассасаларига 30 миллион долларлик iPad етказилади. Шу тарзда Лос-Анжелес анъанавий дарсликларни тўлиқ планшет тизими-га алмаштирган биринчи шаҳар бўлади.

"Facebook"да бир миллион реклама берувчи бор

"Facebook" ижтимоий тармоғи ўзининг фойдаланувчи берувчилари сон дунё бўйлаб 1 миллионга етганини маълум қилди.

"Facebook"нинг асосий реклама берувчилари гўрб кичик бизнес вакиллари ҳисобланган. Тармоқнинг кичик бизнес билан ишлаш бўйича директор Дэн Левиннинг маълум қилишича, "Facebook" даромадининг 85 фоизини реклама аккаунтларидан олинган фойда ташкил қилади.

Шимолий Корея 500 минг мобил телефон харид қилади

Телефонларнинг барчаси Хитой томонидан етказиб берилади. Уларнинг 100 мингтини смартфон ташкил этади.

Хитой смартфонларининг баҳоси мамлакат ичида ўртача 1000 юан (\$ 163,27), бироқ уларни Шимолий Кореяда 2800 юан эвазига сотишади. Нархдаги фарқ, янги фойда қозини Шимолий Корея давлати эҳтиёжларига йўналтирилади.

Арзон iPhone ва iPad mini 2

Apple компанияси ўзининг арзон iPhone ва iPad mini 2 қурилмаларини шу йилнинг август ойида сотувга чиқаради.

Маълум қилинишича, арзон iPhoneнинг корпуси пластмассадан тайёрланади, унда 8-МП камера ўрнатилган ва беш хил рангда сотувга чиқарилади. Экспертларнинг фикрича, арзон iPhone — Appleни жаҳон бозорига ўз ўрнини сақлаб қолиши учун зарурий чора. Чунки, яқин йилларда смартфонлар бозорининг асосий тахли аҳолисининг даромади юқори бўлмаган ривожланаётган давлатларда қузатилади.

Компаниянинг яна бир янги маҳсулоти — iPad miniга талаб ҳам юқори бўлиши кутилмоқда.

Дунёнинг энг яхши олий ўқув юрти

Ташкил этилганига 50 йилдан ошмаган олий ўқув юртининг 100лик рейтинги эълон қилинди. Унга кўра, Жанубий Кореянинг Пхохан фан ва технологиялар университети — дунёнинг энг яхши олий ўқув юрти деб топилди.

Иккинчи поғонадан Швейцариянинг Лозанна федерал политехника мактаби, учинчи ўриндан Корея етакчи илмий-технологик институти ўрин олди.

Умуман олганда, 100ликдан Буюк Британиянинг 18, Франциянинг саккиз, Испаниянинг олти, Германиянинг тўрт олий ўқув юрти жой олган.

(Давоми. Бошланғиши 1-бетда.)

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: "Ахборот-коммуникация ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги чора-тадбирлар ва лойиҳаларни жадал амалга ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ўзимизга шунини аниқ тасаввур этишимиз керакки, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, қудратли ҳаётимизга замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш бўйича туб ва ижобий маънодаги портлаш эффектив берадиган ўзгаришларни амалга оширсан туриб, истиқболдаги мақсадларимизга эришиш қийин бўлади. Биз қисқа вақт мобайнида нафақат ахборот хизматлари кўрсатишнинг кўпга турлари бўйича мавқуд камчиликларни бартараф этишимиз, балки ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида юксак даражага эришган илғор мамлакатлар сафига қўшилишимиз зарур", дея таъкидлаб ўтганди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан иқтисодиётнинг инновацион секторларини ривожлантириш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Юртимизда замонавий АКТ иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жамият турмуш тарзига кенг жорий этилиши натижасида янги хизмат турлари юзга келмоқда. Жумладан, аҳолига ва тадбиркорлик субъектларига давлат интерактив хизматларини тақдим этиш тизими ривожланиб бормоқда. Агар 2007 йилда базавий интерактив хизматлар сони 49тани ташкил этган бўлса, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 194тага етди. Ушбу интерактив хизматлар орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ортиқча вақт ва маблағ сарфламасдан вазирлик ҳамда идораларга бевосита уларнинг веб-сайтлари орқали мурожаат қилиб, зарур бўлган маълумотларни олиш, солиқ ҳисоботларини электрон тарзда жўнатиш, фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида хўжалик юритувчи субъектнинг фирма номини захирашнинг амалга ошириш ва шу каби бир қатор қулайлик ҳамда имкониятлардан фойдаланишлари мумкин.

Бугунги кунда АКТни қўллаган ҳолда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган интерактив давлат хизматларини янада ривожлантириш, яъни бир томонлама муносабатда бўлган ҳолда фақат маълумотлар тақдим этиб қолмасдан, балки ўзаро икки томонлама муносабатни ҳосил қилувчи электрон шаклдаги хизматларини жорий этиш мақсадида мувофиқдир. Айни дамда Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва банк-молия тизимларида йўлга қўйилган бу хизматлар янада ривожлантириб боришмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қарорда 2012-2014 йиллар давомида АКТни янада ривожлантиришга қаратилган дастур ва 2012-2014 йилларда ягона миллий ахборот тизимига уланган мўлжалланган ахборот тизимлари комплексларини яратиш тадбир-режаси қабул қилинган. Мазкур миллий ахборот тизимини яратишдан мақсад аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органларига давлат интерактив хизматларининг тақдим этилиши сифати ва самарадорлигини янада оширишдир.

Бундан ташқари, хорижлик ҳамда маҳаллий олимлар ўз тадқиқотларида глобал жаҳон иқтисодиёти ва мамлакат ялпи миллий даромади таркибида замонавий АКТ тизимларини жорий қилиш орқали кескин иқтисодий самарадорликка эришиш тўғрисида илмий асосланган хулосалар беришган. Масалан, Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларда АКТ соҳасига киритилган 1 евро инвестиция қўйилмаси натижасида мазкур мамлакат ЯИИМда 1,5 евро миқдоридан

хизматларнинг кўрсатилиши ҳамда ташкилот, муассаса ва идоралар билан ўзаро электрон ҳамкорлигини амалга оширилишига одатда давлат интерактив хизматлари сифатида қаралади. Оқорида сони келти-



Замонавий инфокоммуникация хизматлари

Улар юқори иқтисодий самара келтиради

ўсишини, АҚШда эса 1 доллар киритилган инвестиция ушбу давлат ЯИИМда 2-6 доллар ўсишини таъминлайди.

Халқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларига кўра, жаҳонда интернет фойдаланувчилари сони сўнгги беш йил давомида икки ярим баробарга ортиб, 2,7 млрд.га етган. Мобил алоқадан фойдаланувчилар сони эса дунё бўйлаб 6,8 млрд. кишини ташкил этади. Мамлакатимизда ҳам интернет ва мобил алоқа фойдаланувчилари сони жадал ўсиб бор-

риб ўтилган интернет ва мобил алоқанинг барча фойдаланувчилари республика етакчи тармоқлари учун истиқболли миқозлар ҳисобланади. Масофавий хизматларнинг қудай томонларини кўрсатиб бериш йўли билан ушбу миқозларни жалб қилиш лозим. Миқозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш эвазига бир қатор харажатларни қисқартириш мумкин. Албатта, интернет орқали интерактив хизматлар кўрсатилиши амалга ошириш учун автоматлаштирилган ахборот тизими яратиш зарур бўлади. Ушбу харажатлар қўшимча харажатлар билан боғлиқ бўлса-да, интернет тармони орқали ишлайдиган интерактив хизматлар тизимини жорий қилишга кетадиган жами харажатлар корхонанинг аънавий таркибий тузилмасини очиб учун кетадиган харажатларидан сезиларли даражада кам бўлади. Шу билан бирга, интерактив хизмат кўрсатиладиган миқозлар сони аънавий хизмат кўрсатиладиган миқозлар сонидан бир неча марта ортади.

Айрим олимлар интерактив хизматлар тизимидан тушадиган соф фойданга ҳисоблаш мушкул масала деб таъкидлайди. Бирок, бу фикр унчалик ҳам тўғри эмас. Бевосита даромад — интерактив хизматлар тизими келтирадиган фойда ҳисобига эмас, балки тежалган харажатлар эвазига шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, аънавий хизмат кўрсатишга кетадиган қурилиш ёки ижара харажатларини қисқартириш, корхона ходимлари штати ва уларнинг бажарадиган иш ҳажминини қайта қўриб чиқиш, кам даромадли амалиётлар салмоқини камайтириш имконини беради.

Интерактив хизматлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ҳам қатор қулайликлар тақдим этади. Агар 2012 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 54 фоиздан, иш билан банд аҳолининг 75,7 фоиздан ортми айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келганини ҳисобга олсак, бу йўналишда интерактив хизматларни янада кенг жорий қилиш зарурати янада ойдинлашади.

2013 йил 1 январдан бошлаб барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини тақдим этиш бекор қилинди. 2014 йил-

нинг охирига қадар барча тадбиркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилиши, шунингдек, 2012-2016 йиллар мобайнида ариза берувчиларга аризаларнинг ўтиш жараёнини интерактив веб-тизимлари орқали, лицензия ва рухсатномаларни олиш учун интернет тармони орқали аризаларни беришнинг электрон шакллари жорий этилади.

Тадбиркорлик субъектларининг ўз хоҳишларига кўра, 2013 йил 1 январдан бошлаб банк ҳисоб варақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш, хусусан, "Интернет-банкнинг" тизими орқали солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш, юқларни божхонада расмийлаштиришда товарларни декларация қилиш, "бир ойна" тамойили асосида юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгаллик ҳуқуқларини рўйхатга олиш, ишбилармонларнинг даъво аризалари ёки илтимосномаларини хўжалик судларига беришни электрон тарзда ташкил қилиш ҳуқуқи берилди.

Бундай имкониятлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига харажатларни камайтириш, тежалган маблағни тармоқни ривожлантиришга йўналтиришга кўмак беради.

Тадқиқотлар жараёнида маълум бўлдики, аҳоли интернет тизимининг интерактив хизматлари орқали мурожаат қилишга кўпроқ эҳтиёжга эга. Интерактив хизматлар қанчалик кўп ривожлантирилса, шунчалик кўп ижобий мурожаатлар ва самарадорликка ҳамда юқори сифатли хизмат кўрсатишга эришилади. Зеро, ахборотлашган фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий шартларидан бири ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этган ҳолда интерактив хизматларни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Масъуд АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
қошидаги Олий бизнес мактаби
тингловчиси

На 1 июля этого года намечен запуск Единого портала интерактивных государственных услуг (ЕПИГУ). Это исторический момент, который войдет в летопись истории ИКТ нашей страны как преодоление старого бумажного века и начало нового цикла онлайн-услуг. Подробнее о ЕПИГУ в интервью с Алиджаном Назаровым, главным специалистом группы информационного обеспечения и развития Правительственного портала Республики Узбекистан в сети интернет (Группа GOV.UZ)

СЧИТАННЫЕ ДНИ

до открытия Единого портала интерактивных государственных услуг

— Единый портал будет запущен в срок?

— Да, в рамках реализации правительственных решений, как и запланировано 1 июля с.г. будет запущен в тестовом режиме ЕПИГУ. Уже разработан дизайн портала, разработана программная часть, а также некоторые модули и подмодули и есть тестовый домен на котором ведутся работы по отладке и тестированию системы, модулей и подмодулей.

— А в чем будет состоять сам процесс запуска?

— Пока вопрос официального объявления запуска ЕПИГУ находится на стадии обсуждения, но в любом случае об этом будет сообщено через печатные и электронные СМИ. В дальнейшем, после начала функционирования ЕПИГУ планируется организовать цикл семинаров для представителей госорганов по взаимодействию с ЕПИГУ, а также будет подготовлена брошюра о Портале, пользователи через СМИ будут регулярно информированы о ходе работ по развитию ЕПИГУ, в т.ч. новых услугах и сервисах, доступных для населения и субъектов предпринимательства. Кроме того, будет подготовлен обучающих видеоролик по использованию услуг на Портале на русском и узбекском языках.

— Можно уже будет в тестовом режиме испытать все услуги ЕПИГУ?

— Пока еще нет, так как на портале идут работы по интеграции интерактивных государственных услуг. Но, уже сегодня пользователи могут воспользоваться одной из услуг, включенных в ЕПИГУ, а именно направить электронное обращение в государственный орган через Персональный кабинет гражданина (www.my.gov.uz) при Правительственном портале.

Для этого в первую очередь необходимо пройти регистрацию в системе единой идентификации ID.UZ и получить статус Passport-ID. Пока этот статус можно получить в Центре UZINFOCOM при личном обращении с паспортом для физических лиц и свидетельство о регистрации — для юридических лиц. В дальнейшем это право будет также делегировано Центрам компьютеризации при Совете Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятах областей, г. Ташкента.

— Куда и к кому будут направляться обращения граждан?

— Обращения граждан через персональный кабинет будут направляться в Кабинет Министров и государственные органы. На сегодняшний день к Персональному кабинету подключены более 90 государственных органов, одновременно ведутся работы по подключению остальных госорганов.

— Будут реализованы первые 23 интерактивные услуги?

— В соответствии с Протоколом заседания Координационного совета по развитию компьютеризации и ИКТ № 37 от 1 апреля 2013 года утвержден сводный реестр первоочередных интерактивных государственных услуг, предоставляемых органами государственного и хозяйственного управления, органами государственной власти на местах для физических и юридических лиц через ЕПИГУ, который включает 23 услуги.

Проведена большая работа с министерствами и ведомствами по инвентаризации госуслуг, подготовки регламентов государственных услуг. В настоящее время на Портале Центра сформирован реестр ИГУ, где на ежеквартальной основе ведется мониторинг предоставления ИГУ государственными органами, создан раздел "Паспорт государственной услуги". Также разработан "Порядок регламентации интерактивных государственных услуг", который был разъяснен представителям государственных органов в ходе встречи 1 апреля с.г. в ГоскомСИТТ.

Что интересно, некоторые госорганы "опережают" события и сами приходят и предлагают свои интерактивные услуги для включения в ЕПИГУ. То есть, госорганы сами ощутили пользу от выкладывания услуг в сеть, так как это, среди прочих плюсов, и разгружает их от монотонной хлопотной работы.

— На ваш взгляд, чего уже достигнуто в Узбекистане в сфере предоставления интерактивных услуг, а чего только предстоит еще добиться?

— Уточню сразу, что электронное управление — это командная работа всех государственных учреждений. Только в этом случае будет эффект для всех.

Что касается развития предоставления интерактивных государственных услуг, то в нашей стране за последнее время осуществлены широкомасштабные работы в этом направлении. В частности, приняты целый ряд правительственных решений и программ, разработано и утверждено Положение об интерактивных государственных услугах, с каждым годом растет их количество. Так, в результате реализации этих решений и программ, в настоящее время количество утвержденных базовых интерактивных государственных услуг составляет 194 единиц, на основе которых государственными органами предоставляются более 420 видов услуг. Следует отметить, что многие государственные органы через сайты предоставляют государственные услуги, которые позволяют как гражданам и бизнес-сообществу, так и самим государственным органам экономить

время и средства, оперативно решать вопросы, а также эффективно взаимодействовать друг с другом.

— Сколько времени понадобится для полного внедрения электронного правительства?

— Электронное правительство — это не разовый проект, это постоянный эволюционный процесс. Электронное правительство — сродни государственной реформе. Как известно, реформа — это постоянное совершенствование. Поэтому, всегда должны учитываться различного рода факторы, которые также меняются со временем.

— Что должно включать в себя электронное правительство? Существует ли общепринятая модель электронного правительства?

— В мире существует много моделей формирования электронного правительства. К примеру, американская, европейская, южно-азиатская модели. Каждая из них имеет свои преимущества и недостатки. Поэтому, при выборе той или иной модели следует детально проанализировать каждую из этих моделей и разработать собственную модель с учетом особенностей, потенциала и возможностей страны. Мы не можем просто взять и использовать чужую модель. Я думаю, что в мире нет универсальной модели электронного правительства, которую можно было бы использовать в каждой стране. При подготовке предложений по формированию системы электронного правительства нами также был детально изучен и проанализирован опыт таких ведущих стран в области электронного правительства, как Южная Корея, США, Сингапур, Эстония и др.

— Какую оценку можно дать работе Портала ЕПИГУ и электронного правительства?

— Мы только в самом начале длинного пути, и нам предстоит еще много работ, прежде чем мы сможем оценить насколько эффективно электронное управление. Наши главные судьи, если можно так выразиться, это конечно, главные пользователи ЕПИГУ — сами граждане. Насколько им комфортно пользоваться услугами Портала, могут ли они получить всю необходимую информацию и государственные услуги. Если граждане останутся довольны — значит ЕПИГУ и электронное управление в целом — работает эффективно. В связи с этим мы настроены на постоянный и открытый диалог с населением и субъектами предпринимательства, и призываем всех активно участвовать в этом процессе.

Беседу вели Нелли КАРИМОВА
и Евгений СКЛЯРЕВСКИЙ

LG МОЖЕТ ПРЕДСТАВИТЬ СМАРТФОН С ГИБКИМ ЭКРАНОМ ДО КОНЦА ГОДА

Руководство LG объявило о том, что компания приступит к массовому производству гибких OLED-дисплеев в четвертом квартале текущего месяца. Первоначально планируется производить порядка 12 тысяч таких дисплеев ежемесячно, причем, большая их часть будет поставляться в рамках заключенных ранее соглашений сторонним производителям электроники по всему миру.

Тем не менее, часть дисплеев компания LG планирует использовать для разработки первого смартфона с гибким экраном собственного производства. Официальная презентация подобного устройства также предварительно запланирована на конец текущего года.

ЦУКЕРБЕРГ ПРОСИТ SAMSUNG ВЫПУСТИТЬ "FACEBOOK-СМАРТФОН"

Глава компании Facebook Марк Цукерберг (Mark Zuckerberg) побывал с кратким визитом в Южной Корею.

Как утверждают отраслевые наблюдатели, Цукерберг пытался уговорить руководителей Samsung выпустить "Facebook-смартфон".

Facebook всеми силами стремится стать второй Google. Именно с этой целью Марк Цукерберг и обратился к Samsung с просьбой об активизации сотрудничества и выпуске смартфона с пользовательским интерфейсом Facebook.

MICROSOFT ЧУТЬ БЫЛО НЕ КУПИЛА NOKIA

Кўп сонли ўғил-қизларни ўз бағрига олган вилеят марказидаги "Мовий гулхан", "Нефтчи", Бухоро туманидаги "Ёш пахтакор", Жондор туманидаги "Нихол", айниқса, Ғиждувон туманидаги "Коинот" (бу ерда мавсум давомида 660 нафар болани дам олдириш режалаштирилган) болалар оромгоҳларида келажакимиз ғунчаларининг шодон кулгулари янграй бошлаганига анча бўлди. Шу жумладан, "Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиалига қарашли "Ёш алоқачи" оромгоҳида ҳам. Бу ерда навбатдаги дам олиш мавсумига пухта ҳозирлик қўриб қўйилганлиги режадаги барча ишларнинг рисоладагидек бажарилишини таъминлаётди. Ҳордиқ чиқараётган болалар уларга яратиб берилган шароитлардан мамнун. Зилол сув ҳавзаси, ошхона, маънавият ва компютер хоналари, бир-бирдан шинам ётоқхона ва дам олиш жойлари ўғил-қизлар ихтиёрида. Замонавий асбоб-ускуна ва анжомлар билан жиҳозланган тиббиёт маскани энг зарур дори-дармонлар билан таъминланган.

Айни пайтда бу ерда вилеят алоқа ходимларининг 120 нафар фарзанди ёзги таътиллари мазмуни ўтказмоқда. Вилеятнинг Жондор, Когон ва Бухоро туманларида истикомат қилётган ўғил-қизлар оромгоҳида кўпчиликни ташкил этади. Ўзтиборлиси шундаки, ёш дам олувчилар орасида

пойтахтдан келган мактаб ўқувчилари ҳам бор. Тошкентдаги 264-мактабнинг 5 синф ўқувчиси Умида Комилжоновна, унинг укаси 7 ёшли Абдушуккур, 151, 191, 149 ва 242-умутаълим мактаблари ўқувчиларидан Комила Хайдарова, Резеда Мамлиева, Анвар Муборақов, Татьяна ва Лена Вансавалар шулар жумласидандир. Уларнинг суҳбатларидан ёзги таътиллари кўнгилли ўтказётганликларини, мириқиб ҳордиқ чиқараётганликларини билиб оласиз.

Оромгоҳда ёш авлод вакиллари жисмонан ва маънан етук кишилар қилиб тарбиялаш борасидаги ишларга бу йил ҳам алоҳида эътибор бериляпти. Ёзги дам олиш мавсуми арафасида пухта тайёргарликдан ўтган тарбиячи ва етакчилар ўғил-қизлар атрофида парвона. Болаларнинг ёшига қараб ташкил этилган "Кичкинтой", "Камалак", "Камолот" ва "Оруз" гуруҳларидаги ташкилий-тарбиявий ва соғломлаштириш ишлари шундай йўлга қўйилганки, ўз фарзандларини кўришга келадиган ота-оналар ҳам, болаларнинг ўзалари ҳам бундан мамнун. Малакали тарбиячилардан Ҳилола Саидова, Гулноз Қўчқорова, Адиба Бобмуродова, Бехзод Саъдуллаев, тиниб-тинчимас етакчилардан Нигина Ибодова, Шаҳноза Аҳмедова, Дилбар Бахшуллаева ва Мухайё Чориева, жисмоний тарбия раҳбари Муслим Ҳасанов, мусиқа устози Акмал Қозоқов сингарилар болаларнинг оромгоҳидаги ҳар бир кунни мазмуни ва мароқли ўтиши учун барча ишни қилишяпти.

— Дастлабки мавсум — июн ойининг биринчи ярмида, — дейди оромгоҳ бош етакчиси Абера Саидова, — ўғил-қизлар иштирокида бир қатор тадбирларни ўтказишни режалаштириб қўйганмиз. Ана шундай кизиқарли тадбирлардан бири вилеятимиз

Бу йилги дам олиш мавсумида "Ёш алоқачи" оромгоҳида жами 360 нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилган.

нинг тарихий жойларидан — Ситоран Мохи Хосса (Бухоро амирининг киши саройи), Сомонийлар боғи, Бухоро маданият маркази, кўхна Арк қалъаси ва бошқа бир қатор жойларга уюштирилган саёҳатлар бўлиб, улар болаларда катта таассурот қолдириши турган гап. Бухоро давлат кўнрақ театрининг энг сара спектакллари намойиши ташкил этилади. "Оромгоҳ кироли ва қиролчаси", "Энг иқтидорли болалар" танловлари давомида эса бўлажак истеъдод эгалари кашф этилиши аниқ.

Сирасини айтганда, маҳоратли ва спортсевар болалар оромгоҳга келган кунларидан бошлаб ўз лаёқатларини намойиш эта олишяпти. Дастлабки мавсум очилишига бағишлаб ўтказилган ўзига хос тантана чоғида ҳам айнан шу жиҳат кўзга яққол ташланди. Тасвирий санъат, бадий адабиёт ва мусиқага, спорт ва миллий рақслар ижросига алоҳида меҳр қўйган Азиз Асадов,

Маъмур Мўминов, Азиза Исмоилова, Абдурахим Истамов, Исмағил Қаноатов, Шаҳбоз Иноятов, Ойша Жўраева, Татьяна Борисова, Шерзод Жумаев, Моҳина Файзуллаева ва бошқа кўплаб болаларга қатор номинациялар бўйича фахрий ёрликлар топширилди.

Очилиш маросимида сўз олган оромгоҳ бошлиғи Шампод Саъдуллаев, "Ўзбектелеком" АК "Бош коммутиация маркази" филиали алоқадан фойдаланиш цехи катта телефончиси Дилором Толипова, компания Бухоро филиали касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Олия Шукурлаева, Когон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Музаффар Жумаев, "Ўзбектелеком" АК "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиали 5-боғламаси касабаси уюшмаси қўмитаси раиси Абдор Мухаммедов ва бошқалар ёш дам олувчиларга ва уларнинг ота-оналарига ўзларининг самимий тилакларини изҳор этдилар. Оромгоҳ гулхани атрофидаги куй-қўшиқ ва рақслар шу оқшом бу ерда алламаҳалгача давом этди...

Барча ерда бўлганидек, Бухорода ҳам болаларнинг қувноқ ёз фасли бошланди. Алоқачилар фарзандлари чеҳрасидаги шодумонлик эса бу ғўзал фаслнинг ҳар қачонгидан ҳам унутилмас ва илиқ таассуротларга бой бўлишидан дарак бериб турибди. Бу йилги дам олиш мавсумида "Ёш алоқачи" оромгоҳида жами 360 нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилган.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро вилеятидаги мухбири



Меҳрибонлик кутубхонаси

Марғилон шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи ахборот-ресурс марказида тарбияланувчиларни бадий адабиётга қизиқтириш, уларнинг нутқ маданиятини оширишга кўмаклашиш борасида ибратли ишлар амалга ошириляпти.

бердилар. Бу билан улар нутқ ва сўз бойликлари ортиришга эришмоқдалар. Бундан ташқари, мақола ва топишмоқлар, сўз ўйинлари ўтказиш одат тусига кирган.

АРМ фаоллари иштирокида "Энг фаол китобхон" танлови ўтказилиб, ғолибликни Н.Махамматова қўлга киритди, 2-ўринни Ф.Абдуллаева, 3-ўринни М.Хошимовалар эгалладилар. Ғолиб тарбияланувчилар жаҳон адилларининг китоблари билан тақдирландилар.

"ОИТС — аср вабоси" мавзусида бўлиб ўтган ишлар танловида биринчи ўринни тарбияланувчи Г.Ҳақимова, расмлар бўйича биринчи ўринни Р.Қодирова эгаллади. "Шеърлар ва қўшиқлар" танлови ҳам ғоят мароқли ўтди.

"Табиат сирларини билишни истайман", "Оламни асранг", "Экология ва саломатлик" мавзусида 5-8-

гуруҳ тарбияланувчиларидан ташкил топган "Экология" ва "Табиат" жамоалари ўртасида ўтказилган "Билимлар ринги" ўйинида "Экология" жамоаси ғолиб бўлди. Юқори синф қизлари ўртасида ўтказилган танловда 5 шарт бўйича 240 балл тўплаб Соҳиба Мелибоева энг олий ўрин — Меҳрибонлик уйининг "Энг лобар кизи" деб топилди. Танлов иштирокчиларига "Энг зукко киз", "Энг сарништа киз", "Энг иқтидорли киз", "Энг ораста киз" йўналишлари бўйича соврилар берилди.

Марказ томонидан 1-Меҳрибонлик уйининг Қувасой шаҳар Лашкар қишлоғида жойлашган "Меҳнат ва роҳат" соғломлаштириш оромгоҳида кутубхона ташкил этилган. Бу ерда дам олаётган тарбияланувчиларга барча шароитлар яратилган.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

"Учинчи авлод-2013" дастурининг илк қатнашчилари "Билайн"да амалиёт ўташга киришди.

Хаёт инсонга бериладиган улғу неъмат. Кимки унинг қадрига етиб, ҳар бир дақиқасидан эзгулик йўлида фойдаланса, қўлидан келганича одамларга елкадош бўлса, ўша яхши ишлари пировард натижада унинг ўзини ҳам ҳурмат ва эҳтиром шоҳсупасига олиб чиқади ва у элининг эъзозли кишига айланади. Бунга ҳурматли устозим, таниқли журналист Турсунбой ака Маматовнинг гоҳ қувончли, гоҳида эса машаққатли умр йўллари ёрқин мисолдир.



Устозга таъзим!

Журналистларнинг касб байрами ҳамда кутлуг 75 ёшга тулиши муносабати билан устоз ҳақида мақола ёзишга жазм этар эканман, беихтиёр олис ўқувчилик йилларим — мактабимиз етакчисининг мақола ёзишга иштиёқманд бир неча нафар ўқувчиларни "Мўл ҳосил учун" газетаси тахририятига олиб келганлари ёдимга тушди. Ўшанда мактабнинг олтинчи синфда ўқир ва синф деворий газетасига қўлдан келганча у-бу нарсалар ёзиб юрардим.

Бизни самимий кутиб олган Турсунбой ака ҳар биримиз билан алоҳида саломлашиб, нечанчи синфда ўқишимиз, нималарга қизиқишимиз ҳақида эринмай суриштирди ҳамда газета ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида шундай гапларни гапирдики, устознинг далили фикрлари юракларимизга журналистлик касбига бўлган иштиёқ бўлиб, ҳавас бўлиб қадалди. Ва ана шу иштиёқ менинг бир умрлик ҳамроҳим бўлиб қолди.

ТошДУнинг журналистика факултетида ўқишим давомида турли фанлардан курс ишлари ва рефератлар ёзишимда ҳам, ўқишни битириш арафасида диплом ишимга мавзу танлашимда ва ёзишимда ҳам устознинг маслаҳатларига таяндим. Ва ниҳоят, 1978 йилда журналист дипломи билан Оққўрон тумани газетаси тахририятига катта мухбирлик вазифасига ишга қабул қилиндим.

Ўша пайтда газета тахририятида учта бўлим бўлиб, мен қишлоқ хўжалиги бўлимида фаолият юритардим. Зиммамга масъулиятли вазифа — газетанинг юзи ҳисобланмиш биринчи саҳифа учун мақолалар ёзиш юклатилган эди. Бош муҳарриримиз, раҳматли Убайдулла ака Умаров биринчи саҳифага юқори талаб қўярди. Яъни, бир саҳифага камда 7-8та ахборот кетиши керак эди. Албатта, фақат қишлоқ хўжалигига ихтисослашган туманда шунча янгилик топишнинг ўзи бўлмасди. Турсунбой ака гарчи хатлар ва оммавий

ишлар бўлимини бошқарса-да, менинг қийин вазиятдан чиқишим йўлини ўргатди. У кишининг таклифи билан сон оралатиб, биринчи саҳифа учун бош мақола тайёрлайдиган бўлдим. Устоз ёзилажак бош мақола мавзуси учун таклиф айтар, ёзилиб бўлгач ўқиб чиқиб, камчиликларини кўрсатар эди. Мен ҳеч иккиланмай, оғринмай бу камчиликларни дарҳол тўғрилардим. Нафакат бош мақола, балки газетанинг бошқа жанрларида ёзган ҳар бир мақоламни биринчи бўлиб устозга ўқитиш ва фикрларини билиш менга одат бўлиб қолган эди. Устоз мақолаларнинг руқни ва сарлавҳасига, айниқса, катта эътибор берарди.

1988 йили чарчаганликларини баҳона қилиб, устоз бўлим мудирилик вазифасини менга топширадиган бўлди.

Ўшанда устознинг бу ишончи замирида қанчалар катта масъулият ётганлигини ҳозиргача чуқур хис қилман ва устозим хали-хамон мени ҳар бир ишга жиддий ёндашишга чорлаб тургандек бўлади.

Қани эди, дейман ўзимча, Турсунбой Маматовга ўхшаб ҳаётини яхшиликка бағишлайдиган ва ўзи ҳам яхшиликлар ичра яйраб яшайдиган одамлар кўпаяверса. Зеро, умрини одамлар мушқулини осон, ҳожатини раво қилишга сарфлаган устознинг жойи бутун давраларнинг тўрида. Қўлини фотиҳага очар экан, юртта тинчлик-хотиржамлик, одамларга яхшилик тилайди. Умршериқ ҳамроҳи Саломат опа билан ҳамдам, ҳамфирқ холда ҳамон ижод дарди билан яшамоқда, нафис ва салмоқли шеърлари жамланган қатор китоблари орқали элга маърифат таркатаётир. Бир-биридан ақли фарзанлари эса ота-она хизматида камарбаста.

Ха, ҳар кимга ҳам ана шундай бахт берсин, ана шундай нури кексалик, эъзозли фахрийлик насиб этсин! Табаррук ёшингиз, касб байрамингиз кутлуг бўлсин, устоз!

Муборак МИРКАМОЛОВА,
журналист

Умрини одамлар мушқулини осон, ҳожатини раво қилишга сарфлаган устознинг жойи бугун давраларнинг тўрида.

Муҳаммаджон ота хабар қилади...

Тиниб-тинчимас инсон, меҳнат фахрийси **Муҳаммаджон Маҳмудовни марғилонликлар "Янгиликлар жарчиси" деб қадрлайдилар.** Марғилон шаҳри ва қўшни туманлардаги корхоналар, ўқув юртлари, фермер хўжаликлари, маҳаллаларни велосипедда кезиб, пиёда юриб, хушхабарлар, янгиликлар ахтарилади, уларни кўпчиликка етказишга интилади. Унинг меҳнат аҳли, зиёлилар, ёшлар, ишбилармон ва тadbirkorлар, нуруний ота-хону онахонларимиз ҳаётидан тайёрлаган мақола, очерк ва тезкор ахборотлари ҳамма-ни ҳайратда қолдиради.

Ижодкор изланишлари ҳосиласи бўлган материалларни ўқиб, Муҳаммаджон ака уларни тўллаш, ёзиш ва тахририятларга етказишга қачон улгурар экан, деб ажабланасан, киши. Жамоат ишларида фаол иштирок этиб келаётган Муҳаммаджон Маҳмудов айти кунларда 75 ёшни қарши олаётир. У Фарғона педагогика институтининг филология факултетини битириб, шаҳар ижроия кўмитасининг умумий, ташкилий бўлимларида меҳнат қилди. Меҳнатсеварлиги ва фидойилигини инобатга олган ҳолда шаҳар раҳбарияти уни аҳолини ишга жойлаштириш бўлими мудири вазифасига ўтказди. Серрайрат йигит ишни шаҳардаги sanoat корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларидаги бўш иш ўринлари ҳолати билан танишишдан бошлади. Долзарб вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган фуқароларни ишга жалб этиш мақсадида шаҳар маҳаллаларида мутахассислар иштирокида ҳар бир фуқаро билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди.

Ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати туфайли у раҳбарлик қилаётган бўлим вилоятда, республикада совринли ўринларга лойиқ топилиб, фахрий ёрликлар, дипломлар билан тақдирланди.

Қирқ йилдан ортиқ турли масъулиятли вазифаларда меҳнат қилиб, бугун қариллик гаштини сураётган М.Маҳмудов "Йўрмадўз" маҳалла фуқаролар йиғини "Нуруний" жамоатчилик маркази раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

Муҳаммаджон Маҳмудов кўп йиллардан буён "Нуруний" "Ишонч", "Xabar", "Тонг юлдузи", "Хуқуқ", "Ватанпарвар" тахририятлари билан ҳамкорлик қилиб келади. У Марғилон шаҳар Кенгашига депутат этиб сайланган. Муҳаммаджон хожи ота икки ўғил ва уч қиз, саккиз неварар ардоғида юксак орзу-умидлар билан яшамоқда.

Ўз мухбиримиз

Фикр

**НИМАДИР
ЎРГАНИЛИБ,
СЎНГ
УНИТИЛГАНДА
УНДАН
ҚОЛАДИГАН
САБОҚ —
БИЛИМДИР.**

Б. СКИННЕР



Обуначилар хизматида

Фарғона вилояти "Матбуот тарқатувчи" ШК Қўқон шаҳар бўлими Қўқон шаҳри, Данғара, Фурқат, Бешариқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Бағдод ва Бувайда туманларидаги аҳолига, корхона ва ташкилотларга кундалик газета-журнални ўз вақтида етказишда жонбозлик кўрсатмоқда.

Тўғри, обуначи — истеъмолчи, уларнинг талаби ҳақ. Чунки, обуначи ўз истагидаги нашрни интиқлик билан кутади. Ахир, дунё ва мамлакатимизда кечаётган воқеалар ҳақидаги ахборот ва мушоҳадалар мақолани ўқишса, хурсанд бўлишади.

Шу боисдан Қўқон шаҳар бўлимидаги ҳар бир ходимдан ўз вазифасига масъулият билан ёндашиш талаб этиляпти.

Айни кунда 27та "Матбуот" дўкони фаолият кўрсатмоқда. Элда кадр тошган Илҳомжон Эгамбердиев, Аъзамжон Олимов, Шарофатхон Аббосова каби "Матбуот" дўконлари сотувчилари меҳнатдан аҳоли мамнун.

Фахрий сотувчилардан Муаззамхон Абдуллаева, Анорхон Ғафурова, Одинахон Рустамова, Махбубахон Шариповларнинг фидойи меҳнати жамоада эъзоз-

ланаяпти, кадрланаяпти.

Сараловчи Нигора Зокирова, Зухраҳон Хошимова, хабарчи Муҳаммаджон Абдуллаев, ҳисобчи Зокиржон Маматқулов, туманлар ва шаҳарга енгил машинада матбуот нашрлари элтувчи Рустамжон Маматқулов, сараловчи Елена Рустамоваларнинг ибратли меҳнати туфайли барча обуна нашрлари эгаларига кечиктирилмай етказилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қўқон шаҳар бўлимида қизгин меҳнат ҳукмрон.

Мухтор БЕК,
журналист

Ҳамкорлик

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги фармони бўйича соҳада катта ўзгаришлар бўлди.

Айниқса, тизимда бирламчи тиббий ёрдамнинг ислоҳ қилиниши ва аҳолига кўрсатилаётган сифатли тиббий хизмат самардорлигини ошириш, Республика шойлини тиббий ёрдам илмий маркази, унинг вилоят филиаллари, ихтисослаштирилган марказлар ҳамда қўллаб тиббиёт муассасаларининг давр талаби даражасидаги фаолияти бунинг яққол ифодаси бўла олади.

А.Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази Навоий шаҳар поликлиникаси билан ҳамкорликда "Дардингизга даво бўлайлик" мавзуида мутахассис

куни ўтказди. Ушбу тадбирни АКМ директори Р.Ражабов кириш сўзи билан очди. Тадбирда "Қариндошуруғчилик асосида қурилган никоҳ" мавзуида поликлиника терапевт шифокори Дилфуза Назарова, "Соғлом турмуш тарзи" мавзуида умумий амалиёт шифокори Манзура Отакуловалар батафсил тушунча беришди.

"Турон", "Мустақиллик" ва "Гулзор" маҳаллалари фаллари ва Навоий маданият ва санъат коллежи ўқувчи ҳамда ўқитувчилари иштирок этган ушбу тадбирда бош кутубхоначи Р.Шукурова тиббиёт ходимлари кунини муносабати билан ташкил этилган "Хар дарднинг шифоси бор" мавзуидаги китоб кўргазмасига қўйилган адабиётларнинг шарҳи билан таништирди.

М.ИМОМОВА,
АКМ ахборот-библиография бўлими мудири

Фикр

ИЛМДА ЭРИШИЛГАН ҲАР БИР ЯНГИ ЮТУҚ ТАСАВВУРНИНГ ЯНГИ ЖАСОРАТИДАН НИШОНАДИР.

Жон ДИВЕЙ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан Қарши шаҳар "Сарбон ЛТД" масъулияти чекланган жамиятининг (Қашқадарё вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003517 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 12 июндан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги "Телекоммуникациялар соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 421-қарорига асосан лицензиядан фойдаланганликлари учун навбатдаги ҳар йиллик давлат божининг тўлов муддатларини бузганликлари сабабли:

"FINTEX UNION" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003903 рақамли;

"TASH STONE TRADE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003953 рақамли;

"TASH STONE TRADE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004022 рақамли;

"TASH STONE TRADE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини куриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004023 рақамли;

"CELL TELECOM ENGINEERING" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004021 рақамли;

"MPC International Investment end Consultants GmbH-Tashkent" Швейцария шўъба корхонасининг (Тошкент ш.) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003547 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2013 йил 13 июндан 10 иш кунига тўхтатилди.



Саёҳат

Навоий вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари учун "Саёҳат экскурсиялар бюроси" давлат корхонаси томонидан АКМ касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда Самарқанд шахрига саёҳат уюштирилди.

АКМ кутубхоначилари аввал Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат этишиб, сўнгра Регистон, Бибиҳоним, Улугбек расадхонаси сингари қадам-жоларида бўлишди. Зиёратчилар буюк боболаримиз меҳнати билан барпо этилган қадимий обидларни ҳамда шаҳарнинг ободончилиги, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар. Шундан сўнг ходимларимиз А.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона марказида бўлишиб, кутубхонанинг иш фаолияти ва бўлим-секторларининг китоб фондлари, ахборот технологиялари соҳасида олиб борилаётган ишлари билан танишдилар ҳамда ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар.

Қўхна ва навкирон Самарқанд шаҳридан барча зиёратчиларимиз бир олам таассурот билан қайтишди.

М.ҒАФУРОВА,
АКМ касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Косон ТБ бошлиги Отамурод БОБОМУРОДОВни муборак 55 ёшга қарши олгани билан самимий муборакбод этади. Унга узоқ умр, овласига фаровонлик, ишларида ривож тилайди.

Наманган вилоят "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси ва касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари корхона директори Холисхон МАМАДАЛИЕВни кутлуг 55 ёшга тўлиши муносабати билан муборакбод этади ва унга мустахкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Топлоқ ПАТ ходими Облоберди ҲОШИМОВни муборак 60 ёши, Риштон, Равон, Ёзёнов, Навбахор, Олтиариқ ПАТ ходимлари Ғайратжон РУСТАМОВ, Муфтижон СУННАТОВ, Абдуғани ПАРШЕВ, Сиддикжон ИШОНҚУЛОВ, Маматкул ТУРСУНОВларни 50 ёши билан самимий табриқлайди. Уларга узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришини тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Данғара ТБ ходими Рафисжон ҲАКИМОВни 55 ёши, Учқўприк ТБ ходими Ҳамиджон МАМАЮСУПОВни 50 ёши билан чин дилдан табриқлайди. Уларга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлари бахтиқоблини кўришини тилайди.



Ўзбекистон галаба қозонди, аммо...

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатида чиқиш учун курашни плей-офф босқичида давом эттирадиган бўлди.

Осиё саралаш минтақасининг тўртинчи раундида "А" гуруҳида тўп сурган Миржалол Қосимов шогирдлари Тошкентда ўтган сўнгги турда Катар миллий терма жамоасини 5:1 ҳисобида енгди.

Хамюртларимиз дастлабки дақиқадан хужумга зўр берган бўлса-да, биринчи бўлиб ўз дарвозасидан тўп ўтказиб юборди. Футболчиларимиз иккинчи бўлимда хужумни янада кучайтирди. Натижада Баҳодир Насимов иккита, Олег Зотеев, Одил Аҳмедов ва Улугбек Бақоев биттадан гол уриб, терма жамоамизнинг йирик галабасини таъминлади.

Бироқ бу галаба жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри йўлланма олишимиз учун

камлик қилди. Сабаби — Жанубий Корея футболчилари ўз майдонида эронликларга 0:1 ҳисобида ютказди.

Эрон миллий терма жамоаси 16 очко билан биринчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея бир хил — 14тадан очко жамғарган бўлса-да, тўплар нисбатига кўра корейликлар иккинчи йўлланмани қўлга киритди.

ФИФА томонидан Осиё қитъаси учун жаҳон чемпионатида тўрт яримта йўлланма ажратилгани боис Ўзбекистон миллий терма жамоаси энди "В" гуруҳининг учинчи жамоаси — Иордания билан уй-сафар тизимида иккита учрашув ўтказди. Бахслар 6 сентябр куни Уммонда, 10 сентябр куни эса Тошкентда бўлиб ўтади. Жуфтлик голиби жаҳон чемпионатида чиқиш учун Жанубий Америка мамлакатлари саралаш мусобақасида бешинчи ўринни эгаллаган терма жамоа билан икки учрашувда майдонга тушади.

ҚИСКА САТРЛАРДА:

ЮНОН-РУМ КУРАШИ. Украинанинг Мариупол шаҳрида ўтказилган "Azovmash Cup — 2013" аънъанавий халқаро турнирида 14 мамлакатдан 160 нафардан зиёд полвон гиламга чиқди. Мусобақада хамюртларимиздан Элмурод Тасмуродов кумуш, Осиё чемпиони Рустам Аскалов бронза медалга сазовор бўлди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Қозоғистонда ўтказилган халқаро турнирда ўнга яқин мамлакатдан 200 нафардан зиёд спортчи ўзаро рақобатлашди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Даря Разниченко узунликка сакраш бахсларида 6,39 метр натижа билан олтин медални қўлга киритди. Анастасия Асланиди босқон улқотиришда 52,4 метр кўрсаткич билан голиб бўлди.

КУРАШ. Таиланднинг Пхукет шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпиони ўтказилди. Унда йигирмага яқин давлатдан 250 нафардан зиёд спортчи голиблик учун куч синашди. Вакилларимиздан юнон-рум кураши бўйича Аҳмаджон Маҳмудов олтин, Жонибек Отабеков ва Жаҳонгир Турдиев бронза медални қўлга киритди. Эркин кураш бўйича терма жамоамиз аъзолари — Маҳмуджон Шавкатов, Муҳаммадсиддик Жўраев, Техрон Ҳожиёв ва Аслонбек Гаёев бронза медалга сазовор бўлди.

ШАХМАТ. Қирғизистонда шахмат бўйича жаҳон кубогининг Марказий Осиё минтақавий саралаш мусобақаси якунланди. Халқаро шахмат федерацияси шафелигида ўтказилган турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон ва Қирғизистон шахматчилари ўзаро рақобатлашди. Тўққиз учрашувда беш галаба ва тўрт дурангга эришган хамюртимиз Антон Филиппов 7 очко билан мусобақада голиб чиқди. Энди таҳрибали гроссмейстеримиз жорий йилнинг 10 август — 3 сентябр кунлари Норвегиянинг Тромсе шаҳрида ўтказиладиган жаҳон кубогига қатнашади.

Ёшлар терма жамоаси Туркияга жўнаб кетди

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жорий йилнинг 21 июн — 13 июл кунлари ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Туркияга жўнаб кетди.

Истанбул, Бурса, Анталия, Ризе, Газиантеп, Кайсар, Трабзон шаҳарлари мезбонлик қиладиган 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дунёнинг энг кучли 24 терма жамоаси голиблик учун баҳс олиб боради.

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси "F" гуруҳида Океания чемпиони Янги Зеландия, Жанубий Америка чемпиони совриндори Уругвай ва Европа вакили — Хорватия футболчилари билан рақобатлашади. Қоидага биноан, олти гуруҳнинг ҳар биридан дастлабки икки ўринни эгаллаган ҳамда учинчи ўриндаги энг яхши кўрсаткичга эга бўлган яна тўрт терма жамоа мусобақанинг плей-офф босқичига йўлланма олади.

— Терма жамоамиз аъзолари жаҳон чемпионатида пухта тайёргарлик кўрди, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмадjon Мусаев. — Ёш футболчиларимиз бундай нуфузли мусобақада ўз Ватани шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқига истиклолимиз туфайли эришганини яхши билади. Шу боис улар Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида ўтказилаётган жаҳон чемпионатида кўтаринки руҳ ва катта иштиёқ билан фақат галаба учун майдонга тушади.

FAXRIYLAR — FAXRIMIZ

Умри ибрат отахон

Инсон яшар экан, Ватани фаровонлиги, бахтли келажаги учун ёниб яшаб, ҳалол меҳнат қилиши, ўзидан яхши шогирдлар қолдириши, кексайганда эса уларни юрт равақи йўлида қилаётган эзгу ишларини кўриб фахрланмоғи лозим.

Раҳим бобо Исмамов почта алоқасининг ана шундай кекса фахрийларидан бири. Бобо ўзининг қарийб 40 йиллик меҳнат фаолиятини Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар почта алоқаси тармоғи ривожига бағишлади. У шунча йиллар мобайнида тармоқда қузатувчи вазифасида сидқидилдан меҳнат қилди, ҳамкасбларига меҳрибон ва ғамхўр бўлди. Ўтган йиллар мобайнида жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди.

Кўратган қатор фидокорона меҳнатлари учун давлатимизнинг мукофот ва фахрий ёрликлари билан тақдирланган Раҳим бобо 1999 йилдан нафақада. Бу йил турмуш ўртоғи Сожида ая билан оила қурганларига ропна-роса 55 йил тўлди. Бу йиллар мобайнида улар қизлари Мавлуда ва Дилоромларни тарбиялаб, ўқитдилар. Хар иккала қизлари ҳам ота изидан бориб, Тошкент алоқа техникумига ўқишга киришди ва бугунги кунда аҳолига намунали почта хизмати кўрсатиб келишмоқда.

Кейинчалик кичкина қизи Дилором Тоирова ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент ахборот технологиялари университетининг почта йўналишида сирдан ўқиди ва олий маълумотли мутахассис сифатида фаолиятини изчил давом эттирмоқда.

Кейинчалик кичкина қизи Дилором Тоирова ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент ахборот технологиялари университетининг почта йўналишида сирдан ўқиди ва олий маълумотли мутахассис сифатида фаолиятини изчил давом эттирмоқда.

Кейинчалик кичкина қизи Дилором Тоирова ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Тошкент ахборот технологиялари университетининг почта йўналишида сирдан ўқиди ва олий маълумотли мутахассис сифатида фаолиятини изчил давом эттирмоқда.

Раҳим бобо Исмамов "Нокис" маҳалла фуқаролар йиғинига бир неча йил оқсоқоллик қилди ва айни пайтда маслаҳатлари билан маҳалла тотувлигига эришишда ўз хиссасини кўшмоқда.

Ғайрат ШУКУРОВ,
журналист

Маърифат маркази

Фарғона Давлат университети ахборот-ресурс маркази базасида маърифат маркази фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ушбу марказ сўнгги нусхадаги замонавий 50та компютер билан жиҳозланган бўлиб, барча талабаларга жавоб беради. Кенг ва ёруғ залларга ўрнатилган компютерлар интернет тармоғига уланган бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун барча кулай шарт-шароит яратилган. Бу ерда турли мавзуларда тадбирлар, учрашувлар ўтказилиб турилибди.

Жумладан, "Китоб — миллатнинг бебаҳо маданий ва маърифий мероси" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилиб, унга олимлар, ёзувчилар, шoirлар, китобхонлар, ноширлар ва талабалар таклиф этилди. Университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори А.Қосимов, профессор С.Мўминов, талаба Н.Рашидова ва бошқалар китобнинг бебаҳо озука булоғи эканлиги, баддий адабиётнинг ёшлар маънавий дунёсини шакллантиришдаги ўрни тўғрисида, китоб ўқиш санъати, муталаа маданияти ҳақида маъруза қилдилар.

Анжуманда янги китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

М. МАҲМУДОВ

ЭЪЛОН!

Тошкент электротехника алоқа институти томонидан 1997 йилда Алишер Кувнақова берилган 144645-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси "Ўзбекистелком" масъулияти чекланган жамияти бош директори Икром Исроиловага волидан мухтарамаси **ЗУЛИША АЙНОВ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистелком" АК Фарғона филиали жамоаси Учкўприк телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Рафқижон Аҳмедовага турмуш ўртоғи

Эъзозахон **АХМЕДОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ХАСБИ ХОЛ:

Омонжон АБДУАЗИЗОВ 1941 йилнинг 22 июнида Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Кўкчадаги 38-мактабни аъло баҳолар билан тамомлаб, 1959 йилда Тошкент электротехника алоқа институтининг Радиоалоқа ва радиозшиштириш факултетига ўқишга кирди. 1965 йили олийгоҳни битириб, талабаларга дарс бера бошлади. 1967-1971 йиллар давомида Москва электротехника алоқа институти аспирантурасида ўқиди. Москвадан келгач, ёш олим фаолиятини қадрдон олийгоҳида давом эттириб, турли масъул лавозимларда фаолият юритди.

Олийгоҳдаги салкам ярим асрлик фаолияти давомида О.Абдуазизовнинг ТАТУ тарихига оид китоби, қатор дарслик ва қўлланмалари, 400тадан ортиқ илмий ва илмий-услубий мақолалари чоп этилди.

Илм — ҳаётим мазмуни

дейди ТАТУ профессори, техника фанлари номзоди Омонжон АБДУАЗИЗОВ

— Таҳликали кунлар бошланган кун таваллуд топган экансиз...
— Шунинг учун ҳам исимини омонжон кунлар тезроқ келишини ният қилиб Омонжон қўйишган. Лекин оиламиз катталари Абдусобир деб чакиришарди.

— Барча учун оғир бир пайтда ўқиб, етук мутахассис бўлиб етишидигиз. Демак, яхши ўқиб, илм сирларини пухта эгаллашда шароитингиз аҳамияти у даражада муҳим эмас экан-да?

— Оиламизда саккиз фарзанд эдик. Кўпчилигининг мактаб давримиз уруш йилларига тўғри келган. Ана шу қийинчиликлар вақтида ўқиб, Гофир акам юридик фанлари доктори, профессор, Зирофат опам муаллима, Абдушукур акам мухандис, Абдузухур акам филология фанлари номзоди, профессор, Назира синглим тарих фанлари доктори, профессор, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", Василя синглим эса шифокор бўлиб етишипти. Ҳақиқатан ҳам агар инсонда илмга интилиш кучли, ирода мустаҳкам, иштиёқ бардавом бўлса, ҳар қандай шароитда ҳам у юқори марраларни эгаллайверади.

— Сизларнинг илмга қизиқишингизга нима асос бўлиб хизмат қилди?

— Аввало оиладаги муҳит, деб ўйлайман. Отам раҳматли ўзалари хунарманд бўлсалар-да, бир нечта тилда гаплаша олар, тижорат ишлари билан кўпгина мамлакатларда бўлган инсон эдилар. У киши биз, фарзандлар қалбида илмга қизиқиш уйғота олдилар. Шунингдек, академик Воҳид Абдуллаев бизга тоға эдилар. Тоғамнинг орқаларидан хонадонимизга не-не машхур инсонлар келиб-кетмаган дейсиз.

— Ёшларимизни илмга

қизиқтириш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Боя таъкидлаганимдай, уларда илмга ташналикни болалигидан тарбиялаш керак. Шунингдек, чет тилларини ўрганишларига шароит яратиб, бermoқ лозим. Чет тилларини билган инсонга дунё эшиклари очилади. Талабаларимга бир гапни қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман: келажаким порлоқ бўлсин десангиз, танлаган соҳангиз бўйича яхши мутахассис бўлишга, тил ўрганишга ва компютер билан ишлашни мукамал ўрганишга ҳаракат қилинг. Шунда муваффақият оркангиздан эргатиб юради.

— Илм сиз учун нима?

— Илм — ҳаётим мазмуни. Қаерга боришимдан қатъи назар, биринчи навбатда, китоб дўконларини айланиб, соҳага оид, шунингдек, юртимиз ва жаҳон адабиёти намуналаридан сотиб оламан. Шу тарихи уйимда катта китоб фондига эга кутубхона яратилди. Бу ерда ўтган асрнинг 90-йилларигача чоп этилган соҳага оид китобларнинг ҳаммасидан бор. Пойтахтимизда Алоқа соҳаси тарихига оид музей очилганда китобларимнинг бир қисмини, 11-12 ёшимдан йилга бошлаган "Радиоҳаваскор" журналининг 45 йиллик таҳламини, дастлаб ишлаб чиқарилган телефон апарати, радио ҳамда овоз пўлат симга ёзилдиган магнитофонни совға қилдим.

— Ҳадемай юртимизда

Республикамиз Мустақиллигининг 22 йиллик тўйи катта тантана билан байрам қилинади. Бу йиллар ТАТУ ҳаётида қандай из қолдирди?

— Эришилган муваффақиятларни сарҳисоб қила бошласам беихтиёр юрагим халққа бошлайди. Зотан, бу йиллар ичида олийгоҳимиз бутунлай ўзгача киёфа касб этди. Янги ўқув бинолари, ётоқхоналар қурилди. Энг замонавий техника ва техно-

логиялар билан жиҳозланди. Иқтидорли талабаларимиз ўқишининг магистратура қисмини хориж мамлакатларида давом эттиришмоқда, илмий ишлар қилишмоқда. Буларнинг бари истиклол туфайлидир.

— Ҳаётда қандай шиор билан яшайсиз?

— Шиорим одамларга яхшилик қилиш. "Емонлик ҳаммининг қўлидан келади, яхшилик қилиш эса энг эзгу ишлардандир. Ўзингга раво кўрмагани бировга ҳам раво кўрма", дейишарди ота-онам. 30 йил давомида ТАТУ сиртки бўлими декани бўлиб ишладим. Бирорта тadbирга бориб қолсам, ўзим танимган одамлар талабалик даврида қилган яхшиликларимни эслашади. Шунда ўтган ҳаётимдан мамнулик ҳисси пайдо бўлади юрагимда. Бахтли эканлигимдан қувониб кетаман.

— Оилангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Рафиқам Дилбархон узoқ йиллар Жаҳон тиллари университетиде талабаларга инглиз тилидан сабоқ бериб, бугунги кунда фахрийлик гаштини сурмоқда. Катта ўғлим Даврон аввал ТАТУ, сўнгра юридик институтини тамомлади. Бугунги кунда ҳуқуқшунослик бўйича фoлият кўрсатяпти. Фарҳод Жаҳон тиллари ҳамда Халқ хўжалиги олийгоҳларини тамомлади. Хозир хусусий фирма эгаси. Келиним Наргиза юрак касалликлари шифокори, тиббиёт фанлари номзоди. Василя эса япон тили бўйича мутахассис. Беш нафар невара оиламиз қувончи.

— "Хабар" ўқувчиларига тилақларингиз?

— Улар доимо соғ-саломат бўлишсин. Эзгу ниятлар уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Муборак МИРКАМОЛОВА
суҳбатлашди

ҲАМКАСБИГИЗ ТАВСИЯСИ

Творогли торт

Бугун мен сизларга ҳаммага бирдек ёқадиган ажойиб ширинлик — творогли торт тайёрлаш рецептини тавсия қилмоқчиман.

Зарур масалликлар: 200 грамм шакар, 6та тухум, 200 грамм ун. Ичига солиш учун ярим килограмм янги творог, 1 стакан шакар, ярим литр қаймоқ ва желатин.

Тайёрлашни: Тухумнинг оқини саригидан ажратиб, қаттиқ қўпик кўринишигача кўпиртирамиз. Унга шакар солиб, кўпиртиришда давом этамиз. Тухум саригини хамирга қўшиб, ун соламиз. Сўнг пиширик қорози солинган қолига жойлаймиз. 180 даража қизган газ печиде 25 дақиқа давомида пиширамиз. Начинкани тайёрлаш учун қаймоқни шакар билан аралаштириб, творогга солиамиз. Сўнгра аввалдан бўқтирилган желатинни начинкага қўшиб, миксерда яхшилаб аралаштирамиз. Тортнинг нони пишгач, қолидан олмаган ҳолда начинкани устидан қуямиз. Сўнг 2-3 соатта музлатгичга қуямиз.

Юрагингиз безовта қиялпими?

Ундай бўлса, аввало, ўзингизга ёқадиган, дилингизни яйратадиган хушбўй нарсалар — атирғул, райхон, нозик ҳидли атир қабиларини ёнингизда олиб юришга ҳаракат қилинг. Бундай нарсаларни ҳидлаб юриш ҳафакон касалидан фориғ бўлишга ёрдам беради.

Шунингдек, кашинични майдалаб еб юриш ҳам юракка қувват беради. Ҳар кун наҳорга ўрик шарбатидан ичиш ёки бир кунда уч-тўрт дона туршак еб юриш ҳар қандай юрак хасталигини даволашда ёрдам беради, юрагингизни бақувват қилади.

Барно НАЖИМОВА,
ОАТ "Алоқабанк"
оператори

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КўЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алшар ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарибмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шoҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслидия БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмоножон ЙҮЛДОШЕВ.</p>	
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақам билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кун чикади</p> <p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Маяил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-652 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Алади: 15415 нусха.</p>	
<p>Видеоят муҳбирлари:</p>		<p>Анжидонда 226-47-80</p>		<p>Бухорода 223-27-85</p>	
<p>Гулистонда 40-12-19</p>		<p>Жиззахда 226-06-34</p>		<p>Навоийда 225-91-10</p>	
<p>Наманганда 232-97-86</p>		<p>Нукусада 554-35-45</p>		<p>Самарқандда 233-61-81</p>	
<p>Термизда 224-06-12</p>		<p>Тошкентда 288-40-66</p>		<p>Ургинчда 226-37-16</p>	
<p>Фарғонада 224-18-05</p>		<p>Қаршида 931-08-99</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>	